

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги

қунига бағишланган махсус сон

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эичанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№Махсус сон (76), Хоразм

Маъмун академияси, 2021 й. – 162 б. – Босма нашрнинг электрон варианты -

<http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси.

**3 май — Жаҳон матбуот эркилиги кунига бағишланган махсус сон
4**

Xodjayeva D.I., Xusenova M.O. Fonetikaning o'rganish sohasi va uning turlari	98
Yavminova N.M., Qurbonova G.Yu. Innovative approach to learn English language	102
Yokubova Sh.Yu. Obyektli birikmalar poetik nutq vositasi sifatida	104
Yusupova N.N. Transformation of the acquired knowledge of a foreign language in the process of globalization	106
Алленова И.В. Внедрение инноваций в систему высшего образования Узбекистана	108
Ачилов М.Н. Ибора ва бирликларнинг таҳлилида этнографиянинг роли	110
Базарова У.М. Олий ўқув юрти талабаларининг инглиз тили дарсларида маънавий –эстетик тарбиялашнинг диагностикаси	114
Бобожонов Б. Формирование культуры речи у студентов высших учебных заведений через преподавание немецкого языка	116
Ганиева Г.З. Инглиз тили топонимик луғати таҳлили	118
Джаббаров Ш.Х. Концепт лингвокультурологик категория сифатида	122
Каримова Ж.Ш. Синонимические отношения между фразеологическими единицами с компонентами – названий флоры	124
Киличева Ф.Б. Эвфемизмы в современном русском языке	127
Кузибаева Р.Ш. Использование современных педагогических технологий на уроках русского языка	128
Кузибаева Р.Ш. Роль русского языка в формировании мировоззрения студентов высших учебных заведений	130

.....	
.....	
Мадаминова Н.Р. Основные вехи развития композиобразования	132
.....	
Рўзиева Д.С. Интеллектуал роман генези специфик таснифи	135
.....	
Рузиева Н.Х. Инглиз тилида хушмуомалалик категориясининг социолингвистик таҳлили- хушмуомалалик, мавқе ва контекст	139
.....	
.....	
Сафармахматова З.Н. Паремиологик бирликлар тушунчаси ва унинг таркибий- типологик хусусиятлари	142
.....	
Ташева У.Т. Методы совершенствования преподавания русского языка в высших учебных заведениях	146
.....	
.....	
Турманов Т.М. Грамматические навыки и методы формирования навыков во французском языке	148
.....	
Хакимджанова М.Э. Использование мотивационных возможностей игровых технологий при изучении русского языка	150
.....	
.....	
Хакимджанова М.Э. Классификация единиц речевого этикета изучаемого языка в учебных целях	152
.....	
.....	
Шевцова О.В. Аспекты изучения категории количества	154
.....	

УЎК 37.02

ИБОРА ВА БИРЛИКЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИДА ЭТНОГРАФИЯНИНГ РОЛИ

М.Н. Ачилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада француз тилидаги ибора ўхшатишлар ва фразеологик бирликлар лингвист олимларнинг фикрлари ўқиб ўрганилиб маълум даражада таҳлил қилинган. Нутқ жараёнида қўлланиладиган, ҳамда тилни бойишига ёрдам берадиган иборалар ўзбек тилига таржима қилиниб изоҳлари келтирилган.

Калит сўзлари: пуртана, қашишоқлик, Контурби, Брезолет, Препотен, қуён, тўйдира олмоқ;

XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган махсус сон

111

УЎК 37.02

ИБОРА ВА БИРЛИКЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИДА ЭТНОГРАФИЯНИНГ РОЛИ

М.Н. Ачилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада француз тилидаги ибора ўхшатишлар ва фразеологик бирликлар лингвист олимларнинг фикрлари ўқиб ўрганилиб маълум даражада таҳлил қилинган. Нутқ жараёнида қўлланиладиган, ҳамда тилни бойишига ёрдам берадиган иборалар ўзбек тилига таржима қилиниб изоҳлари келтирилган.

Калим сўзлари: пуртана, қашшоқлик, Контурби, Брезолет, Препотен, қуён, тўйдира олмоқ;

Аннотация. В данной статье в той или иной степени изучаются фразы и фразеологизма используемые в речевом процессе анализируемые лингвистами а также фразы переведенные на узбекский язык которое помогают обогатить язык.

Ключевые слова: цунами, бедность, Контурби, Брезолет, Препотен, кролик, на корм;

Abstract. This article analyzes French phrases and phraseological units by comparing and learning the opinions of linguists. In the research phrases used in the speech process and to help enrich the language are translated into uzбек and the definition are given.

Keywords: tsunami, poverty, Konturbi, Brezolet, Prepoten, rabbit, for feed;

Тилнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар хилма-хил бўлиб, географик, иқтисодий, ижтимоий-тарихий ва маданий кабилар шулар жумласидан. Географик омилга табиий объектнинг ўзига хослиги мос келади. Буларга бир-биридан узоқ бўлган рельеф, иқлим, флора, фауна ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Масалан, француз тилида *le mur de l'Atlantique* – Атлантика долгаси, *пўртанаси*, *баланд тўлқини* (Иккинчи жаҳон урушида немис армияси Францияни босиб олгандан кейин Европа иттифоқи ҳужумидан ҳимояланиш учун Атлантика океани бўйида Норвегия ва Даниядан тортиб то Испания чегарасигача мустаҳкам кўрғон қурган), яъни осмонга қанча баланд кўтарилсанг ҳам бари бир яна ерга қайтиб тушасан маъносида. Маданий омиллар орасида жамиятнинг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи ижтимоий, моддий ва маънавий омиллар фаркланади. Ижтимоий омилларга тарихий воқеалар, аҳолининг синфий ва этник таркиби киради. Масалан, *Être de la Champagne pouilleuse* (сўзма-сўз.: “қашшоқ Шампанлик бўлмоқ”) – камбағал бўлмоқ. Шампань Сена дарёси бўйидаги Франциянинг тарихий провинцияси. Моддий маданият инсоннинг ишлаб чиқариши ва фаолияти, савдо, хунармандчилиги билан боғлиқ номларда акс этади. Масалан, *ce sont les vignes de Courtille, belle montre, peu de rapport усти ялтироқ, ичи қалтироқ; raisins de Corinthe* – (сўзма-сўз.: *Коринф узумлари*) майда данакли майиз. Коринф – узум экспорт қилувчи Грециянинг портшаҳари. Маънавий маданият омили бирор бир ғоя, таълимотнинг номида намоён бўлади, *Un coup de Trafalgar* ибораси - 1805 йил 21 октябрь адмирал Г.Нельсон бошчилигидаги инглиз эскадрильяси ва адмирал П.Ш.Вильнева бошчилигидаги француз-испан флоти ўртасидаги денгиз жанги натижасида юзага келган. Тилнинг эмоционал бёқдорлиги ошиши ва ривожланишида сўз - ибораларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш, халқ тафакқурининг умумлаштирувчилик кучи ва тил лексикасининг нутқ жараёнида бойиб бориш йўллари тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Тилнинг эмоционал – экспрессивлиги ошиши асосан афсона, ривоятлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва улар шунчаки берилмаганини қандайдир воқеа-ҳодиса билан боғланганлиги фанга маълум. Масалан, *cousin à la mode de Bretagne (de Picardie)*: амаккивачча, яқин қариндош; бир қозонга қўшса қони қайнамас. Вариантлари: *oncle, neveu, nièce, tante à la mode de Bretagne, être marié à la mode de Bretagne*. Франциянинг Бретань провинциясининг урф-одатларига кўра амаки, тоға, холанинг болалари энг узоқ қариндош ҳисобланган. Бундай фразеологик бирликларлар нутқ таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Яқин қариндош маъносида: *Il avait, comme on l'a vu ailleurs, marié mesdemoiselles de Pons, ses nièces à la mode de Bretagne: l'une à son frère cadet, tué en duel; l'autre fort belle à Heudicourt*. Бир қозонга қўшиб қайнатилса қони қўшилмас маъносида... *Et d'abord, ta famille avait tiré prétexte de la mort d'un oncle à la mode de Bretagne pour supprimer les fêtes nuptiales*.

Халқ ривоятлари, афсона ва урф-одатлари таъсирида юзага келган фразеологик бирликларнинг аллитерация, ассонанс, метафора, метонимия, киёслаш, қофия каби услубий воситалар билан қўлланилиши тез-тез учраб туради. Бундай фразеологизмлар таркибидаги компонентлар ифодалаган маънолар фақат ўз тилга тегишли реалияларни ҳосил қилади ва

тасвирланаётган жой тўғрисида тингловчига муҳим бўлган маданий ахборотни етказди. *Conturbie, Brésolettes et Prépotin ne peuvent, à elles trois, nourrir un lapin* Контурби, Брезолет ва Препотен битта қуённи ҳам тўйдира олмайди. Мазкур фразеологик бирлик учта маҳаллий жойнинг ерлари унумсиз эканлигига ишора беради. Ёки *coup de Bourse*—(сўзма-сўз.: *Бурс зарбаси*)—муваффақиятли биржа савдоси. Бурс Ван де Бурсга тегишли меҳмонхона бўлиб,

XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

3 май — Жаҳон матбуот эркилиги кунига бағишланган махсус сон

112

унинг келиб чиқиши XVI асрга бориб тақалади, ўша пайтларда бу жой савдогарлар, банкирлар, молия ишлари билан шуғулланувчиларнинг учрашадиган жойи бўлган. Ўзбек халқининг маданий меросларидан бири бўлган фольклор ғоят қадимий ва битмас-туганмас хазинадир. Халқимиз яратган фольклор шунинг учун ҳам муҳимки, бунда халқнинг ижтимоий-маиший ҳаёти, унинг машғулоти, этнографияси ва бошқалар ўз аксини топган. Тил сиру синоатга лиммо-лим, бениҳоя мураккаб, мукаммал ва мухташам бир хилқатдир. Бу залворли сифатларнинг мазмун-моҳияти шундаки, мазкур хилқатнинг ичида ўзининг бутун тилсимоти билан инсон яшайди, халқ истиқомат қилади ва айни пайтда одам боласи шу хилқатни ортмоқлаб, замон ва макон пучмоқларида туртиниб-суртиниб топган-тутганларини унга иддаосиз жойлаб, яхлит қавм ўлароқ бутунлашиб, тамаддуннинг баланд-паст пиллапояларидан олға интилади. Сирасини айтганда, халқнинг ўзига хос сажияси, миллий менталитети, маданияти, маънавияти, руҳияти, тафаккур тарзи ва тахайюл тамойили, идрок интизоми каби фавқулотда муҳим хусусиятлари бевосита ана шу хилқатда тажассум топади. Дарҳақиқат, одам боласи ана шу хилқатдан туриб, унинг темир низомига мутлақо мувофиқ ҳолда ташки дунёни кўради, эшитади ва идрок этади.

Бинобарин, халқнинг тийнати ва табиатини, руҳияти ва менталитетини тилдан айри ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўз ибора ва ифодаларда халқнинг менталитетига хослиги муайян тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг теран дунёқараши, образли нигоҳи, идроки ва таффакур маҳсули ўлароқ дунёга келган.

Ушбу мақолада куйидагилар таҳлил қилинган:

1) Ўзбек ва француз тили тамойила ўзига хос бойлиги, халқнинг миллий-маданий тасаввуротини ва анъаналарининг бетакрор кўзгуси, бежирим ва таъсирли нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийлигини таъминлашга хизмат иладиган ғоят муҳим восита сифатида жуда катта этнопсихологик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик қимматга эга эканлигини кўрсатиб бериш.

2) Ўзбек ва француз тилларидаги ҳали тавсифланмаган, чуқур ўрганилмаган образли сўз, ибора, ифодаларни ўзбек ва француз тиллари лексик, этнографик, фразеологик хазинасидаги ўрнини кенгрок тадқиқ этиш.

3) Этнографияга ва фразеологияга оид лингвомаданий аспектда олиб борилган назарий тадқиқотларни ўрганиш.

4) Фразеологик бирликларнинг этнографияси ва тадқиқотга доир манбаларни таҳлил этиш.

5) Образли сўз, ибора, ифодаларнинг француз ва ўзбек тилларида ментал хусусияти мотивациясини аниқлаш;

фразеологизмларни этнографик, лисоний-ментал белгиларга кўра таснифлаш ҳамда уларнинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлик даражасини аниқлаш.

Ўзбек ва француз тилларидаги образли сўз, ибора, ифодаларнинг келиб чиқиш манбалари миллатнинг фольклори, тарихи, тарихий ва бадий асар қаҳрамонлари улар томонидан айтилган ибратли сўзлар, халқлар битиклари этнография ва фразеологиянинг туб илдизи фарқланувчи оилага мансуб икки тил асосида фразеологик бирликларнинг туб моҳияти таржима ёрдамида халқларнинг миллий-маданий ва ментал ўзига хослигини ёритиб берувчи ибораларда антитезанинг – таққослашнинг, қарама-қаршилиқнинг хилма-хил шакллари учрайди. Масалан: *богини суруштирманг, узумини еяверинг; отдан тушса ҳам эгардан тушмайди; юзи кулса ҳам ичига чироқ ёқса ёримайди* ва бошқалар. Бундай қарама-қарши фикрни ифода этувчи иборалар киши характерининг, хулқ-атворининг очилишига катта ёрдам беришини исботловчи гипотетзалар юзага келади.

Иборалар фақат образли характерга эга бўлмай, балки унинг услубига ҳам анча яқин туради. Ибораларнинг услубида таълим, маслаат бериш кўзга ташланиб туради. Гарчи бундай иборалар мажозий маънога ега бўлса ҳам, уларнинг кесими (фёъл) да таълим ва насихат акс этади. Масалан „*гапингга туз сол*“, „*кўнгилнинг косасини синдирма*“, „*ярасига туз сепма*“, „*дардига малҳам бўл*“ каби иборалар насихатомуз фикрларни ифодалашни исботланди.

XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган махсус сон

Мақоланинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

- образли сўз, ибора, фразеологик бирликлар ҳамда уларнинг этнографияси таҳлили ўзбек ва француз халқлари менталитетининг ўзига хослигини аниқлашга хизмат қилиши исботланди;
- этимологик таҳлилнинг (образли сўз, ибора, фразеологик бирликлар) ҳар икки тилда қанчалик муҳим роль ўйнаши аниқланди; Иборалар – мақол ёки халқ оғзаки ижодининг бошқа турлари каби алоҳида бир жанр. Бу жанр ҳам халқнинг тарихини, маиший ҳаётини унда мавжуд бўлган воқеа-ҳодисаларни, жамиятдаги айрим шахсларнинг хулқ-атворини акс эттиради. Ибораларда мақолларда бўлганидек умумлашган хулосалар ифода этилади, яъни турмушдаги воқеаларга айрим шахсларнинг хулқ-атворига нисбатан хулосалар чиқарилади. Аниқ ва равшан қилиб ифода этилса, ибораларда ҳам худди шундай равшан қилиб ифода этилади.

Ибора билан мақол орасига кескин чегара қўйиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, бу икки жанр орасида маълум даражада фарқ бўлиши мумкин. Мақолларнинг ҳаммаси мажозий маънода бўлавермайди (*ишласанг тишлайсан, деҳқон бўлсанг шудгор қил, ози, золимдан вафо тилама*), аммо ибораларнинг деярли ҳаммаси мажозий маънода ишлатилади: тегирмонга тушса бутун чиқади, ҳалво деган билан оғиз чучимайди ва бошқалар. Бу иборалар образли ифодалар бўлиб буларда муҳокамали фикрлар акс этмайди. Булар кўпинча кўчма маънода ишлатилади. Ибора хал сўзида, суҳбатда, нутқида мақолга қараганда кўпроқ ишлатилади ҳатто ёзувчилар ҳам мақолга қараганда иборани кўпроқ ишлатадилар. Масалан, ўзбек адабиётининг йирик намоёниси Ойбек Мирзакаримбойни характерлар экан, унинг маккорлигини „*Мирзакаримбой илоннинг ёғни ялаган одам эди*“ ибораси билан ифода этса, Абдулла Қаҳҳор „*Ўрик*“ ҳикоясида мустамлака даврида солиқ тўлай олмайдаиган камбағаллар мулкининг мусодара қилинганини „*Бировнинг уйи хатга тушади*“ ибораси билан тасвирлайди. Ибора образли ифодалар бўлиши нуктаи назардан мақолларга қараганда кўпроқ тил ҳодисалари билан яқинлашади. Масалан, „*мошхўрдага қатиқ бўлма*“ иборасидан ҳар бир нарсага, ўзинг билмайдиган ишга аралашаверма маъноси англашилади. Бу ибора халқ тилига анча яқин туради ва ундан ажратиб бўлмайди. Мақоллар қанчалик тарихий, маиший ҳаёт билан, ижтимоий масалалар билан майдонга чиққан бўлсалар, иборалар ҳам худди шу хилда ҳаётини воқеалар, ижтимоий-тарихий ҳодиса ёки маиший ҳаёт билан боғланган ҳолда пайдо бўлган.

Ўзбек этнографияси жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларимиздаги ганчкорлик, қошинкорлик, наққошлик, ҳаттотлик, тоштарошлик, каштачиликда ўз ифодасини топган. Ўзбек халқини характерловчи, ўзида қадриятлар ифодасини топган ўзбекнинг байрами, тўйи, урф-одати ва анъаналари, ирим-сиримларини ифодаловчи концептларнинг куйидаги маданий доминантлари ажратилади: «*бахт*», «*қувонч*», «*байрам*», «*тўй*» «*шукроналик*», «*беғамлик*», «*осойишталик*», «*андиша*», «*камтарлик*», «*шарм-ҳаё*», «*қувноқлик*», «*меҳрибонлик*», «*ҳазилкашлик*», «*ҳашар*». Бу концептлар ўзбекнинг ҳатто энг бахтсиз онларда ҳам тинчлик, ҳазил ва хурсандчилик манбаини топа оладиган халқ эканини кўрсатади.

Француз этнографиясида эса маданиятнинг формуласи бўлган маросим, урф-одат, афсона, афсоналаштирилган тил маданий бирликлари бўёқдорлик нисбатан камроқ кузатилди.

Этнография ва тил – бу халқ маданиятини тушунишда рамзий бошқарувчи, маданиятнинг ҳис-туйғуларга бой ифодаси ҳисобланади. Қолаверса, фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли кўринишларини гап семантикасини очиб бериш ва баҳолашда, матнларни таҳлил қилиш ва қиёслашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди.

Халқнинг характери ва уни ташкил этувчи ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда мушкул вазифа бўлиб, ўзбек ва француз характерига хос хусусиятлар бошқа миллатларга ҳам хосдир. Француз ва ўзбек этнографияси миллий-маданий ўхшашликларнинг акс этиши, улар орасидаги дифференциал белгиларнинг лисоний воситалар орқали ифодаланиши миллий ўзига хосликлар тил, маданиятда акс этади. **XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI**

AXBOROTNOMASI

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган махсус сон

Мақолада ўзбек ва француз тилларидаги образли сўз, ибора, фразеологик бирликлар ҳамда уларнинг этнографияси танланган. Қиёсланаётган тиллардаги фразеологик бирликлар ва уларнинг этнографияси қиёслаш, таснифлаш, тавсифлаш, синхрон, этнолингвистик, систем таҳлиллар, ҳамда компонент таҳлил методи, контекстуал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. N. Mahmudov, D.Xudoyberganova O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati –Toshkent: “Ma’naviyat”,2013.-320 b.
2. Sh. Shomaqsudov, S. Dolimov Qayroqi so'zlar (xalq iboralari) –T .: “O'zbekiston milly ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2011.-224 b.
3. Виноградов В.В. Словообразование в его отношении к грамматике и лексикологии. –В сб.: Вопросы теории и истории языка. М., 1952.
4. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц. В.Сб. «А.А. Шахматов», М., 1947.
5. Виноградов В. В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. «Труды юбилейной научной сессии ЛГУ», 1946.
6. Лейчик В.М. Об одном малоизученном способе словообразования («Телескопные слова» современного французского языка).-НДВШ, Филологические науки, 1966. № 3
7. Маматов А.Э. Сборник научных статей-Самарканд: Издательство Сам ГУ 2013. С.3-5.